учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

258 Вазирлар Махкамасининг «Республика олимпия захиралари теннис мактабининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2008 йил 13 июндаги 132-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Республика олимпия захиралари теннис мактаби негизида юқори классли теннисчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

- 1. Вазирлар Махкамасининг «Республика олимпия захиралари теннис мактабининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2008 йил 13 июндаги 132-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 6-сон, 30-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2011 йил 16 июнь, 179-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 июндаги 179-сон қарорига ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика олимпия захиралари теннис мактабининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2008 йил 13 июндаги 132-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин: «Республика олимпия захиралари теннис мактабига ҳар йили 12 нафаргача иқтидорли, қоидага кўра, 11-12 ёшдаги спортчилар 5 йил муддатга ўқиш учун қабул қилинади, спортчиларнинг умумий контингенти 60 нафар».

- 2. Республика олимпия захиралари теннис мактаби тўгрисида низомнинг 12 ва 13-бандлари қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «12. Республика олимпия захиралари теннис мактабига, қоидага кўра, 11-12 ёшдаги (умумтаълим мактабида ўкиётган ёки 5-синфига ўтаётган) спортчилар қабул қилинади. Республика олимпия захиралари теннис мактабида ўкиш муддати 5 йилни ташкил этади. Хар йили Республика олимпия захиралари теннис мактабига 12 ўкувчи қабул қилинади, спортчиларнинг умумий контингенти 60 киши.
- 13. Айрим ҳолларда юксак спорт натижаларига эга булган 11 ёшдан кичик уҳувчилар ҳабул ҳилиниши мумкин».